

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**МАХМУДХУЖА БЕХБУДИЙ НОМЛИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПЕДАГОГЛАРНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси

Маннонова Назира

**«ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИ ХАКИДАГИ НИЗОМ» ТАЛАБИДАН КЕЛИБ
ЧИККАН ХОЛДА ДИРЕКТОР УРИНБОСАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.**

С а м а р қ а н д - 2 0 0 4

Такризчи: Қудратова М. – СамДУ доценти.

**Мухаррир: Хайдаров К. – М.Бехбудий номидаги Самарқанд
ВПКТМОИ нинг ижтимоий фанлар
маънавият асослари кафедрасининг
мудири, доцент.**

Кафедра мудири: К.Хайдаров

**Мавзу: «Директор уринбосари хакидаги Низом» талабидан келиб чиккан холда
директор уринбосари фаолиятини ташкил этиш.**

4 соат маъруза

Режа:

1. Дарсинг асосий максоди.

1. Дарсинг назарий кисми.
2. Директор уринбосари уз фаолиятини кандай хужжатлар талаблари асосида ташкил этади.
3. Директор уринбосарининг асосий максоди.
4. Директор уринбосарининг асосий вазифалари.
5. Мактаб директори билан ҳамкорликдаги ишлари.
6. Синф рахбари билан ҳамкорликда.
7. Мактаб психологи билан ҳамкорликда.
8. Жисмоний тарбия уқитувчиси билан ҳамкорликлари.
9. Ота-оналар кумитаси билан ҳамкорликда.
10. Махаллада педагог ташкилотчи билан ҳамкорликда.
11. Камолот «Соглом авлод учун» жамгармалари ва бошка давлат ҳамда нодавлат жамгармалари билан ҳамкорликда. Фан уқитувчилари билан ҳамкорликда.
12. Оила билан олиб бориладиган вазифалар.
13. Директор уринбосарига куйиладиган асосий талаблар.
14. Директор уринбосарининг ҳуқуқлари.
15. Директор уринбосари ишини ташкил қилиш.
16. Умумий урта таълим мактабларида маънавий-маърифий тарбия ишларини ташкил этиш тизими.
17. Маънавий-маърифий тарбия ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолияти хакида.
18. Амалиётда тадбик этилаётган вазифалар (савол-жавоб асосида).

1. Дарсинг асосий максоди.

Директор уринбосари ХТВ ва бошка юкори ташкилотларнинг қарори, буйруғи ва меъёрий хужжатларни талаблари асосида ишларни ташкил этиши хакида фикр юритиш ҳамда жамиятда юксак маънавий ғазилатларни қамол топтириш миллий мафқурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиклол гоёларига садокат руҳида қенг фикрли, иродаси бақувват, иймони бутун, жисмоний ва маънавий жихатдан барқамол иқтисодий ислохотларни ҳаётга тадбик эта оладиган, мустанкил фикрловчи шахсларни шакллантиришда мактаб директори, синф раҳбарлари, мактаб психологи, жисмоний тарбия уқитувчиси, ота-оналар қумитаси, махаллада педагог ташкилотчи, «Қамолот», «Соглом авлод учун» жамгармалари ва бошка давлат ва нодавлат жамгармалари, оила

билан ҳамкорликда ишлаш директор уринбосари фаолиятини асосини ташкил этилиши хакида фикр юритиш.

1. Директор уринбосари уз фаолиятини кандай хужжатлар асосида ташкил этади.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосари уз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тугрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъёрий хужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.


Умумий урта таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосари (қелгусида директор уринбосари деб юритилади) ота-оналар ҳамда қенг жамоатчилик билан ҳамкорликда уларнинг онгига она Ватанга, халқига ва унинг бугунги бунёдқорлик ишига эҳтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қилади.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосари лавозимида қамида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган қобилиятли, маҳалла, ота-оналар ва қенг жамоатчилик уртасида ҳурмат эътиборга лойиқ бўлганлар туман, шаҳар, халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

2. Директор уринбосарларининг асосий мақсади.

Жамиятда юқсак маънавий қазилатларни қамол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш ёшларни бой тарихий ва маданий меросимиз, миллий анъаналаримизга умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол қояларига садоқат руҳида қенг қирли иродаси бақувват, иймони бутун, жисмоний ақлий ва маънавий жихатдан барқамол иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган, миллий қоя ва истиқлол мафқураси мустаҳкам бўлган мустақил қирловчи шахсларни шакллантириш директор уринбосари фаолиятини мақсадини асосини ташкил этади.

3. Маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича директор уринбосарининг асосий вазифалари.



Мақтаб психологи билан:	Ўқувчиларнинг кизиқишларини аниқлайди, уларни касб танлашига кўмаклашади.
Жисмоний маданият ўқитувчиси билан:	Спортнинг турли йўналишлари бўйича ўйинлар, мусобақалар, соғломлаштиришга оид тадбирларга бошчилик қилади.
Ота-оналар қўмитаси билан:	Ота-оналар қўмитасининг фаолиятини бошқаради.
Маҳаллада педагог ташкилотчи билан:	Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигидаги ишларни бошқаради.
«Қамолот», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан:	Ўқувчилар билан ҳамкорликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этади.
Оила билан олиб бориладиган вазифалар:	Мақтаб психологи билан ҳамкорликда оиланинг ижтимоий психологик хусусиятларини ўрганади, муаммоларни аниқлайди, улар билан тарбиявий тадбирларни ўтказишда кўмаклашади.
Фан ўқитувчилари билан:	Дарснинг маънавий-маърифий тарбия йўналишларини ташкил этишда кўмаклашиши.

«Таълим тугрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республика Олий Мажлиси сессияси материаллари, Президент фармонлари, асарлари, нутқлари, таълим бошқаруви фанлари меъёрий ҳужжатлари, талаблари асосида уз ишини амалга оширади.

-директор уринбосари тарбиявий ишларни режалаштиришда синф раҳбарларининг кизиқишлари топшириқларини қай даражада бажара олишларини ҳисобга олади;

-уқувчиларда Ватанга муҳаббат, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституцияси ва Давлат рамзларига садокат ҳисларини тарбиялайди;

-маънавий, ақлий, жисмоний барқамоллик, иқтисодий, ҳуқуқий саводхонлик, меҳнатсеварлик, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш, «Оила, маҳалла, мактаб» концепциясини ҳаётга тадбиқ этиш руҳида тарбиялайди;

-педагогик кенгаш ёки синф раҳбарлари методика бирлашмалари кенгашларига қуйилган масалаларни муҳокама қилади;

-мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни йулга қуйишда барча тугарак бирлашмаларига (турар жойига қараб) эркин фикрловчи «Фидокорлар» клубига уқувчиларни синф раҳбарлари билан ҳамкорликда жалб қилади ва мунтазам равишда назорат қилиб боради.

-Қслом ва республика аҳолиси эътикод қиладиган бошқа динларнинг тарихий, илмий асослари тугрисида алоҳида чуқур билимларни дунё динлари тарихи воситаси орқали шакллантиради;

-экстремизм ва диний акидапарстликнинг ҳар кандай шакллари реакцион мохиятини кенг тушунтириш уни ёшларга таъсири олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уни ҳаётга тадбик этади;

-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ватан ва уз халки учун фахрланиш, унинг кадимий тарихига ҳурмат билан қараш, уларнинг улуг келажагини таъминлаш учун дахлдор ва жавобгарлик туйғуларини тарбияловчи турли туман тадбирларни амалга оширади;

-педагогик тарғибот ишларини олиб боради;

-мактаб укувчилари жамоасининг шаклланишида уларда инсонийлик ва демократлаштиришнинг чуқурлашувида муқобил шароитни вужудга келтириб иш юритади;

-синф ва тугарак раҳбарлари билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради ҳамда методик адабиётлар банкини ташкил этади;

-мамлакатимизда нишонланадиган умумхалқ байрамларини «Мустақиллик», «Конституция», «Хотира ва қадрлаш куни», «Навруз», «Уқитувчилар ва мураббийлар куни», «8-март хотин-қизлар куни», «14-январь - миллий армия куни», «Биринчи кунгирок», «Сунгги кунгирок», «Битирувчилар кечаси» каби анъанавий байрамларни тарбиявий жиҳатдан юқори савияда утишни таъминлайди;

-мактаб психологик мутахассиси билан ҳамкорликда иш олиб боради;

-тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда укувчилар соғлигини муҳофаза қилади;

-йулларда ҳаракатланиш ҳавфсизлиги дарсларини ва тадбирларини назорат қилиб боради;

-хафтанинг ҳар жума куни мамлакатимиз ва жаҳондаги сиёсий, ижтимоий, маънавий узғаришлари ҳақида «янгиликлар соатини» утқазиб боради, байрамларни юқори савияда утишини таъминлайди;

-директор уринбосари йил давомида икки маротаба (биринчи ва иккинчи ярим йилликда) мактаб педагогика кенгаши йиғилишида ҳисобот беради.

4. Директор уринбосари мактаб директори билан ҳамкорликда.

-мактабнинг иш режасини тузади;

-педагогик кенгашда қуриладиган масалаларни биргаликда тайёрлайди ва олиб боради;

-мактабнинг барча тадбирларини юқори савияда утишни таъминлайди;

-уқитувчиларни рағбатлантириш масалалари бўйича тегишли таклифларни киритади;

-мактаб кутубхонасини адабиётлар билан таъминлаш ва бошқа вазифаларни бажаради.

5. Синф раҳбари билан ҳамкорликда.

-ота-оналар мажлисини тайёрлайди ва унинг сифатли утишини таъминлайди;

-синфдаги тарбиявий ишларнинг мазмунини яхшилаш борасида иш олиб боради;

-синф раҳбарининг ижодий изланишларида қумаклашади;

-синфдан ташқари ишларни такомиллаштиради ва тугри йуналишда олиб боришда йўлланма беради ва бошқа вазифаларни бажаради;

6. Мактаб психологи билан ҳамкорликда.

-уқувчиларнинг кизикишларини аниқлайди;

-уларни касб танлашга қумаклашади;

-уқувчиларнинг ҳар томонлама қамол топтириш, спорт бадий эстетик, техник, экологик, сайёҳлик ва улқашунослик бозор иқтисодиётига асосланган ёш иқтисодчи бизнесмен, менежер, ёш ишбилармонликка, ҳуқуқий саводхонликка йўналтирувчи тугаракларга, клубларга, уларнинг кизикиш, имконият ва қобилиятларига қараб жалб қилади;

-укувчиларни жисмоний ва аклий қобилиятларини назорат қилади ва психолог билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни бажаради.

7. Жисмоний тарбия уқитувчиси билан ҳамкорликда.

-уқувчи-ёшларнинг жисмонан бақувват соғлом ўсишида спорт мусобақаларини ташкиллаштиради;

-мактабда спортнинг турли йўналишлар бўйича ўйинлар, мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларига бошчилик қилади;

-спорт ва спорт-техник тугараклар тармоғини кенгайтиришга қумаклашади ва уларни мунтазам ишлашини таъминлайди;

-спорт, соғломлаштиришга оид турли-туман тадбирларни амалга оширади.

8. Ота-оналар қўмитаси билан ҳамкорликда

-ота-оналар университети фаолиятини бошқаради;

-ота-оналарни мактаб фаолиятига кенг жалб қилади;

-ота-оналар билан ҳамкорликда уқувчилар соғлиғини муҳофаза қилади ва бошқа ишларни олиб боради;

9. Маҳалладаги педагог ташкилотчи билан ҳамкорликда.

-ота-оналар университети фаолиятини бошқаради;

-ота-оналарни мактаб фаолиятига кенг жалб қилади;

-ота-оналар билан ҳамкорликда уқувчилар соғлиғини муҳофаза қилади ва бошқа ишларни олиб боради;

-«Оила, маҳалла, мактаб» ҳамкорлигида кенг иш олиб боради;

-тарбияси оғир болалар ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган ҳамда носоғлом оилаларнинг болалари билан тарбиявий ишларни мувофиқлаштиради;

10. «Қамолот», «Соғлом авлод ўчун» жамғармалари ва бошқа давлат ва нодавлат жамғармалари билан ҳамкорликда.

-уқувчилар билан ўтказиладиган ҳамкорликдаги тадбирларни юқори савияда ташкил этади;

-янги тарбиявий дастурларни киритиш бўйича ҳамкорликда ишни ташкил этади;

-ёшлар билан ўтказиладиган барча спорт ўйинлари, танловлар, мусобақаларга жалб этади;

-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда биргаликда иш олиб боради ва бошқалар;

11. Оила билан олиб бориладиган вазифалар.

-мактаб психологи билан ҳамкорликда оиланинг ижтимоий психологик хусусиятлари ўрганади;

-муаммоли оилаларни аниқлайди, уларни ижтимоий-психологик тавсифномасини аниқлаб, салбий омилларни бола шахсига зарарли таъсирини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

-ота-оналар билан ҳамкорликда таълим-тарбия муаммоси булган болалар билан шахсий тарбиявий ишларни олиб боради. Бунга мактаб психологини ҳам жалб қилади.

12. Директор уринбосарига қўйиладиган асосий талаблар.

-директор уринбосари укувчиларга нисбатан меҳр ва муҳаббат, узига, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан талабчан булган ҳолда иш тутишда ва мунтазам уз устида ишлаб, сабр-бардошли, уз фикрларини пухта баён қилиб, узгаларни узига жалб қила оладиган ҳислатларни узида мужассамлайди;

-мамлакатни ички ва ташқи сиёсатини яхши билиш ва доимо уни уз фаолиятида ҳисобга олиб бориши тарбиявий ишларни ташкил этишнинг илмий асослари ҳамда янгича усул ва методларни яхши билиш;

-синфдан ташқари тадбирларни тайёрлаш ва утқазга билиш;

-туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида утқазиладиган тадбирларда иштирок этиши;

-мактабда укувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;

-мунтазам равишда уз малқасини ошириб туриши, уз соҳаси бўйича утқазиладиган семинарларда иштирок этиш.

13. Директор уринбосарининг ҳуқуқлари.

Низомда белгиланган вазифалар билан боглиқ равишда тегишли педагогик ходимларга курсатма беради.

Ҳизмат вазифаси доирасидан қелиб қиккан ҳолда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва янги тугаракларни очиш масалаларини ҳал қилади.

Синф раҳбарларининг таълим-тарбия ишлари бўйича эришган ютуқларини ҳисобга олиб уни тақдирлаш учун директорга тақлиф қиритиш.

-синф раҳбарларининг уз вазифаларига нисбатан маъсулиятсизлиги ёки суистеъмол қилганлиги учун директор билан қелишилган ҳолда танбех бериш;

-болани яхши тарбиялаган ота-оналарни «мактабга ёрдам берган маҳалла фаолларини тақдирлаш учун директорга тақлиф бериш» ҳуқуқига эга.

Директор уринбосари билан қўйидаги ишлар қелишилиши қерак

-синф раҳбарлари иш режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;

-мактабда утқазиладиган спорт мусобақалари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;

-турли ҳилдаги тугарак ишлари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш.

14. Директор уринбосари ишини режалаштириш ва ташкил қилиш.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор уринбосари уз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини назорат қилади.

Мактабдан ва синфдан ташкари утказиладиган барча тадбирларни мунтазам кузатиб баҳолайди.

Директор уринбосарининг иш режаси мактаб директори томонидан тасдикланади.

Ишни режалаштиришда болаларнинг ёш хусусиятлари, мактаб жойлашган вилоят, шаҳар туманнинг шарт-шароити, анъаналари, хусусиятларини жойлардаги ижодий бирлашмалар, илмий марказлар билан узаро алоқаси каби ишлар мактабнинг умумий режаси, уқитувчилар, синф раҳбарлари, болалар етакчиси, ота-оналар кумитаси иш режаси инобатга олинади.

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор уринбосарини қайта тайёрлов курсларида уз малакасини ошириб боради.

Директор уринбосарининг фаолияти уз ифодасини топган ҳужжатлар руйхати халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда берилиб борилади.

Тест саволлари:

1. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор уринбосарлари қайси ҳужжатларга асосан иш олиб боради?

- А. Давлат ва ҳукумат ҳужжатларига асосан
- Б. Ҳукукий ташкилотлар ҳужжатларига асосан иш олиб боради
- С. Вазирлар Маҳкамасининг қонунларига асосан
- Д. Халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг ҳужжатларига асосан.

2. Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор уринбосари неча йиллик педагогик стажига эга бўлиши керак?

- А. 4 йиллик
- Б. 3 йиллик
- С. 5 йиллик
- Д. 2 йиллик

3. Директор уринбосарининг фаолиятида асосий максоди нимадан иборат?

- А. Уқувчиларда назарий қуникма ҳосил қилдириш
- Б. Уқувчиларни фан тугаракларига жалб эттириш
- С. Мактабдан ташкари таълим муассасаларга уқувчиларни жалб эттириш
- Д. Маънавий ғазилатларни қамол топтириш, миллий мафқурани шакллантириш

4. Директорнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари буйича уринбосари ким томонидан тайинланади?

- А. Туман (шахар) ХТБ томонидан
- Б. Мактаб директорининг буйругига асосан
- С. ВХТБ томонидан
- Д. Мактаб жамоаси томонидан

5. Директор уринбосари мактаб директори билан ҳамкорликда қандай ишларни олиб боради?

- А. Мактабнинг маънавий-маърифий тарбияга оид булган ишларни амалга оширади ҳамда режасини тузади
- Б. Тарбиявий ишларни биргаликда олиб боради
- С. Мактабдан ташқари ишларни бажаради
- Д. Фақат маънавий-маърифий ишларни бажаради

6. Директор уринбосари Низомида мактаб психологи билан қандай ишларни олиб боришини белгилаб беришган?

- А. Тарбияси оғир булган болалар билан ишлаш
- Б. Хукук-тарғибот ходимлари билан ишлаш
- С. Маҳалла билан ҳамкорликда ишларни ташкил этиш
- Д. Касб танлашга йуналтириш ишларини олиб бориш.